

“ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА СУДЛАНГАНЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ”

Yakubjonov Omonjon Burkhonjon ugli

Senior official at the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, attendee of the Higher School of Strategic Analysis and Forecasting

DOI: 10.5281/zenodo.22684995

Received: 1 September 2026 | Accepted: 9 September 2026 | Published: 10 September 2026

АННОТАЦИЯ.

Мақолада судланганлик оқибатларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилиб, уларни жиноят-ҳуқуқий ва умумҳуқуқий оқибатлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Жиноят-ҳуқуқий оқибатлар таркибига бевосита жиноят-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ҳамда жиноят-ижроия ҳуқуқига оид оқибатларни киритиш таклиф этилган. Умумҳуқуқий оқибатлар сифатида эса шахснинг конституциявий, фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларини чеклаш билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар эътироф этилган. Асослангирилишича, умумҳуқуқий оқибатлар жиноят-ҳуқуқий оқибатлардан шу жиҳати билан фарқ қиладики, улар жиноят, жиноят-процессуал ёки жиноят-ижроия қонунчилиги эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа соҳавий қонунчилик ҳужжатларида қандай ўз ифодасини топганлиги ўрганилган, судланганлик оқибатлари, уни тугалланиши ёки олиб ташланиши кейин ҳам давом этиши мумкин ҳамда нафақат судланган шахсга, балки айрим ҳолларда унинг яқин қариндошлари ёки бошқа шахсларга нисбатан ҳам ҳуқуқий таъсир кўрсатиши мумкинлиги эътироф этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

судланганлик, судланганлик оқибатлари, жиноят-ҳуқуқий оқибатлар, умумҳуқуқий оқибатлар, ҳуқуқий чекловлар, ҳуқуқ ва эркинликлар.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда тарихий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлил ва синтез усулларидадан фойдаланилди.

Судланганликнинг илгариги маҳкумлар ҳаётига негатив таъсир кўрсатувчи, суд ҳукми билан белгиланган ҳуқуқий оқибатлар доирасидан ташқарига чиқадиган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган салбий оқибатлари кўплаб олимлар ва амалиётчи мутахассислар (социологлар, ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари, ижтимоий соҳа мутахассислари ва бошқалар)нинг илмий тадқиқотлари объекти бўлиб келмоқда. Судланган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқи, меҳнат бозорида ишга жойлашиш билан боғлиқ узок муддатли, айрим ҳолларда эса бутун умр давом этадиган қийинчиликларга дуч келади ҳамда жамиятда уларнинг ижтимоий ҳавфли шахс сифатида қабул

қилиниши оқибатида муҳтожлик ҳавфи остида яшашига мажбур бўладилар, энг муҳими уларнинг ҳуқуқ эркинликлари сунъий равишда чекланадилар.

Шу муносабат билан мазкур муаммони чуқур ўрганиш одил судловни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан, илгари судланган шахсларнинг қайта ижтимоийлашувини (ресоциализациясини) таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётига тўлақонли интеграция қилиниши, уларнинг чекланган ҳуқуқларини тикланиши ва ижтимоий неъматлардан тенг фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш зарур. Иккинчи томондан эса жамиятни такрорий жиноятчилик (рецидив) ҳавфидан самарали муҳофиза қилиш вазифаси долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясида судланганлик институти назарий ва амалий жиҳатдан энг мураккаб ҳамда баҳсли институтлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтга қадар қонунчиликда судланганликнинг расмий таърифи мустаҳкамланмаган, унинг ҳуқуқ институтлари тизимидаги ўрни юзасидан ягона ёндашув шаклланмаган, шунингдек мазкур институтнинг айрим белгилари кўшимча илмий таҳлилни талаб этади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида судланганликнинг ҳуқуқий табиатини тавсифловчи оқибатларни таснифлашга қаратилган кўплаб илмий ёндашувлар мавжуд. Замонавий ва совет даври олимларининг аксарияти судланганлик оқибатларини икки асосий гуруҳга — жиноят-ҳуқуқий ва умумҳуқуқий оқибатларга ажратадилар, уларга В.Н. Кудрявцев, Г.А. Кригер, Г.Н. Борзенков, А.В. Бриллиантов, Д.И. Аминов ва бошқалар кирса [1; 2; 3; 4]. Айрим олимлар мазкур таснифга жиноят-ижроия ёки маъмурий-ҳуқуқий оқибатларни ҳам мустақил гуруҳ сифатида киритадилар Гришко А.Я., Потапов А.М., Н.А. Беляев, М.И. Ковалев [5; 6; 7].

Бир қатор юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг фикрича, жиноят-ҳуқуқий оқибатлар таркибига бевосита жиноят-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқига оид оқибатларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу оқибатлар жиноят суд ишларини юритишнинг турли босқичлари билан узвий боғлиқ бўлишига қарамадан, ҳуқуқий тартибга солиш предмети ҳамда ҳуқуқ соҳасига мансублиги жиҳатидан мустақил хусусиятга эга.

Иккинчи гуруҳ олимлар эса судланганликни бошқа ҳуқуқий оқибатларга ҳам ажратиб, уни умумҳуқуқий

оқибатлар гуруҳини ташкил этишини эътироф этишади. Илмий адабиётларда улар баъзан «криминологик оқибатлар» ёки «жиноят-ҳуқуқий оқибатлар» сифатида ҳам тавсифланади. Бу борада тадқиқотчи олимларнинг, кейинги йиллар давомида билдирилган фикрлари илмий қизиқиш уйғотади, хусусан, Г.Х. Шаутаева таъкидлайди: «судланганлик жиноят содир этган шахсни муддатли характерга эга бўлган ҳуқуқий факт сифатида айблаш ҳисобланиб, у қонуний кучга кирган жазо тайинланган суднинг айблов ҳукмида ўз ифодасини топади ва бу эса судланган шахс учун аниқ жиноий-ҳуқуқий ҳамда умумҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради» [8].

Ушбу фикрни бир гуруҳ ўзбек олимлари ҳам маъқуллайдилар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг “Жиноят ҳуқуқи” дарслигида Р.Қабулов, Ф.С.Якубовлар судланганлик ҳолати бўйича “Шахс суднинг уни бирон-бир жиноятни содир этганлиги учун муайян жазога тортган айблов ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб судланган ҳисобланади. Шундай қилиб, шахс жазони ўташ даврида ҳам, уни ўтаб бўлганидан кейин аниқ белгиланган муддат давомида ҳам судланган ҳисобланади. Аммо суд ҳукми билан жазодан озод қилинган шахс судланган ҳисобланмайди”-деган фикрни баён қилганлар [9].

Фикримизча, юқорида қайд этилган таърифнинг асосий камчилиги шундан иборатки, унда судланганликнинг умумҳуқуқий оқибатларига оид қоида тўлиқ ҳажмда ифодаланмаган. Унда фақат шахс судланганлик муддати давомида дучор бўладиган ҳуқуқий оқибатларнинг мавжудлиги кўрсатилган, холос, аммо маълумки, шахснинг судланганлик факти айрим инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назаридан салбий умумҳуқуқий чекловларнинг юзага келишида судланганлик муддати тугагандан кейин ҳам, шу жумладан унинг муддатидан олдин олиб ташланиши ва ўчирилишидан кейин ҳам ўз аксини топади.

Тадқиқотчи, Л.В. Семинанинг таъкидлашича: “Судланганлик маҳкум этилган шахс учун янги жиноят содир этмасликка қаратилган ўзига хос ҳуқуқий огоҳлантириш вазифасини бажаради. Бу огоҳлантириш маҳкум этилган шахсни жамият учун хавфли деб ҳисоблашга асос бўлиб турган ҳолатлар бартараф этилмагунига қадар юридик кучини сақлаб қолади. Шунингдек, жазо тайинланган айблов ҳукми суд маҳкум этилган шахсга жазо таъсирини қўллашни зарур деб топганини ҳам англатади. Бундай жазони ижро этиш маҳкумнинг ҳуқ-атвори устидан тегишли давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни назарда тутати. Демак, судланганликни жамият томонидан маҳкумнинг ҳуқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш зарур [10].

Бизнингча, “судланганлик” тушунчасининг энг мувофиқ таърифи Беларуслик олим В.В. Марчукнинг илмий ишида мустаҳкамланган. У шундай таъкидлайди: “судланганлик — бу шахснинг вақтинчалик махсус ҳуқуқий ҳолати бўлиб, у содир этилган жиноят учун суд томонидан айбланганлиги натижасида айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб юзага келади,

қонунда белгиланган муайян муддат тугагунча давом этади ва бу эса судланган шахс учун ноқулай жиноий-ҳуқуқий ҳамда умумҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳолат сифатида ҳам баҳолаш мумкин” [11].

Шундай қилиб, В.В. Марчук томонидан берилган мазкур таъриф таҳлили асосида судланганликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- судланганлик вақтинчалик хусусиятга эга бўлиб, у айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб юзага келади ва қонун билан белгиланган муайян муддат давом этади;

- судланганлик шахснинг алоҳида ҳуқуқий ҳолатини белгилайди, яъни маҳкум учун жиноят-ҳуқуқий ҳамда умумий ҳуқуқий жиҳатдан ноқулай оқибатларни келтириб чиқаради;

- судланганлик фақат шахснинг содир этган жинояти учун суд томонидан ҳукм қилиниши натижасида юзага келади.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрларида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларига таъсир кўрсатиши билан таърифланади. Шу боис судланганлик институтини шу маънода тармоқлараро ҳуқуқий институт сифатида ҳам келтириб ўтса бўлади.

Умумҳуқуқий оқибатлар қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

- жиноят, жиноят-процессуал ёки жиноят-ижроия қонунчилиги эмас, балки бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади;

- судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланишидан кейин ҳам ҳуқуқий аҳамияти сақланиб қолиши мумкин;

- нафақат судланган шахсга, балки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда унинг яқин қариндошлари ёки юридик шахсларга нисбатан ҳам ҳуқуқий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умумҳуқуқий оқибатларнинг юзага келиши мутлақ хусусиятга эга эмас. Қоида тариқасида, уларнинг қўлланилиши қонунчиликда белгиланган муайян юридик фактлар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бундай шартлар жумласига жиноятнинг тоифаси, тури, жиноят таркиби, айб шакли, жиноятлар қўплиги шакли, жиноят содир этилган жой ҳамда тайинланган жазо тури киради.

Умумҳуқуқий оқибатларни таснифлашда уларнинг амал қилиш муддати ва ҳудуди, ҳуқуқий чекловларнинг субъекти, ҳуқуқий таъсирнинг мажбурийлик даражаси, инсон ҳуқуқларига оид чекловлар ҳажми, ҳуқуқий асоснинг юридик кучи, ҳуқуқ соҳасига мансублиги, ҳуқуқий конструкцияси ҳамда қўлланилиш соҳаси мезон сифатида хизмат қилади.

Амал қилиш муддатида кўра умумҳуқуқий оқибатлар муддатли, ноаниқ муддатли ва муддатсиз турларга бўлинади. Худудий амал қилишига қараб улар бутун давлат ҳудуди ёки унинг муайян қисмида татбиқ этилиши мумкин.

Хукукий чекловларнинг субъектига кўра улар асосий ва кўшимча субъектларга ажратилади. Асосий субъект — судланган ёки илгари судланган бўлган жисмоний шахс ҳисобланади. Кўшимча субъект сифатида эса айрим ҳолларда судланган шахс билан ҳукукий муносабатларда бўлган бошқа шахслар ҳам намоён бўлиши мумкин.

Мажбурийлик даражасига кўра судланганлик оқибатлари императив ва диспозитив хусусиятга эга бўлади. Ҳуқуқ соҳасига мансублигига кўра эса улар конституциявий, фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларни чеклаш билан боғлиқ оқибатларга бўлинади.

Хукукий конструкциясига кўра умумҳуқукий оқибатлар оддий ва мураккаб турларга ажратилади. Оддий оқибатлар, одатда, судланганлик фактининг ўзи ёки битта кўшимча юридик ҳолатнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Мураккаб оқибатлар эса судланганлик билан бир қаторда жиноят тоифаси, айб шакли, жиноят тури каби кўшимча юридик ҳолатларнинг мавжудлигини талаб этади.

Қўлланилиш соҳасига кўра умумҳуқукий оқибатлар шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ турларга ажратилади.

Шундай қилиб, судланганликнинг жиноят-ҳуқукий оқибатлари таркибига жиноят-ҳуқукий, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқига оид оқибатларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улар жиноят суд ишларини юритишнинг турли босқичлари билан боғлиқ бўлишига қарамасдан, ҳуқукий табиати ҳамда соҳавий мансублиги жиҳатидан мустақил аҳамият касб этади.

Умумҳуқукий оқибатлар эса шахснинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини чекланиши, шунингдек унинг ижтимоий фаоллиги ва жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини чеклаш билан боғлиқ ҳуқукий оқибатлар ҳисобланади. Улар жиноят-ҳуқукий оқибатлардан фарқли равишда бошқа соҳавий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади, судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланишидан кейин ҳам амал қилиши мумкин ҳамда айрим ҳолларда бошқа субъектларга ҳам ҳуқукий таъсир кўрсатади.

Судланганлик ҳолатини ҳуқукий оқибатларини ва уни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ жиҳатларини бир қатор хорижий мамлакатлар тадқиқотчилари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, замонавий инглиз тадқиқотчиси Эндрю Хенлининг фикрича, шахснинг судланганлик ўтмишини текшириш амалиётининг кенг тарқалганлиги ҳамда келгусида жиноят содир этиш хавфига доир доимий хавотирлар сақланиб қолаётгани сабабли, жиноят одил судлови тизимида жазони ўтаб бўлган кўплаб шахслар “камситилган мақом” (non-superiority)га дуч келмоқда. Натижада улар адолатсиз камситишга учрайди ва амалда “ижтимоий ўлим” ҳолатига тушиб қолади [12].

Буюк Британияда собиқ қонунбузарларни камситишдан ҳимоя қилишга қаратилган муайян ҳуқукий механизмлар мавжуд, деб ҳисобланади. Хусусан, 1974 йилда қабул қилинган

“**Ҳуқуқбузарларни реабилитация қилиш тўғрисида**”ги Қонун (*Rehabilitation of Offenders Act*) “реабилитация даври” тушунчасини белгилайди. Ушбу муддат тугагач, одатда, шахснинг судланганлиги ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш талаб қилинмайди, чунки бундай судланганлик “ўз ҳуқукий аҳамиятини йўқотган” (*spent*) деб ҳисобланади. 2012 йилда қабул қилинган “**Ҳуқукий ёрдам, ҳукм чиқариш ва ҳуқуқбузарларни жазолаш тўғрисида**”ги Қонун (*Legal Aid, Sentencing and Punishment of Offenders Act*)га мувофиқ, тўрт йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар қонун асосида реабилитация қилиниши мумкин эмас (5-модда). Такрорий ҳуқуқбузарликлар сонини камайтириш мақсадида қабул қилинган 2014 йилги “**Ҳуқуқбузарларни реабилитация қилиш тўғрисида**”ги Қонун (*Offender Rehabilitation Act*) эса мазкур соҳада амал қилиб келган ҳуқукий тартибни янада қатъийлаштирди [13].

Профессор Хенлининг таъкидлашича, судланганликни текшириш ҳолатларининг тобора кўпайиб бориши давлатнинг жазо тайинлашга оид ваколатларини сезиларли даражада марказсизлаштиришга олиб келмоқда. Бу эса мазкур ваколатларни амалда иш берувчилар, суғурта ташкилотлари, уй-жой хизматлари ҳамда бошқа субъектларга ўтказилишини англатади. Натижада улар собиқ қонунбузарларни ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларидан маҳрум қилиш орқали уларни ўзига хос тарзда “жазолаш” имкониятига эга бўладилар.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги Қонунлар нормалари бир неча бор Буюк Британия судларида, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судида ҳам низолар келтириб чиқарган. Европа суди кўпчилик овоз билан ушбу нормани **Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг** 1-сонли Протоколи 3-моддасида назарда тутилган “эркин сайловлар ўтказиш ҳуқуқи”га номувофиқ деб топган. Шунга қарамасдан, мазкур таъқиқ амалда ҳозирги кунга қадар ўз кучини сақлаб келмоқда [14].

Америка Қўшма Штатларида жинсий ёки зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг умрбод реестрларини шакллантириш тарихи, аввало, жиноят қурбонлари хотирасига бағишлаб қабул қилинган ҳамда уларнинг исмлари билан аталувчи тўртта федерал қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Ушбу қонунлар штатлар зиммасига жинсий жиноятларни содир этган шахсларни рўйхатга олиш дастурларини жорий этиш мажбуриятини юклади. Бу дастурлар маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мазкур шахсларнинг қаерда яшаётгани ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини берди. Шунингдек, қонунлар бундай жиноятчиларнинг маҳалла ёки қўшничилик ҳудудида истиқомат қилиши тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тизимини ҳам жорий этди [15].

Кейинчалик айрим штатларда мазкур соҳани тартибга солувчи кўшимча қонунлар ҳам қабул қилинди. Масалан, 2001 йилда Нью-Жерси штатида

кабул қилинган “Меган қонун” (*Megan’s Law Sex Offender Internet Registry*) жинсий жиноят содир этган шахсларнинг интернет-реестрини юритишни назарда тутди. Мазкур қонунга мувофиқ, бундай шахс ҳақидаги батафсил маълумотлар Интернет тармоғида эълон қилинади[16].

Юқорида келтирилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлилдан кўриниб турибдики, судланганлик тушунчасига ёндашув ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатларини табақалаштириш ҳар бир миллий ҳуқуқ тизимида, бир томондан, ўзига хос хусусиятга эга бўлса, иккинчи томондан, улар ўртасида муайян типологик ўхшашликлар ҳам мавжуд. Трансмиллий жиноятчиликнинг глобал таҳдиди таъсирида хорижий давлатларнинг тобора кўпроғи айрим турдаги жиноятлар учун судланганликнинг ҳуқуқий оқибатларини узоқ муддатга, айрим ҳолларда эса умрбод амал қиладиган тарзда белгилаш амалиётини ҳуқуқий муомалага жорий этмоқда.

Юқорида келтирилган хориж тажрибалари мазкур қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотда айрим хорижий давлатлар жиноят сиёсатининг янги тенденциялари таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда судланганлик институти ва унинг ҳуқуқий оқибатларидан бутунлай воз кечишни ҳуқуқнинг жамиятга нисбатан ўзига хос “эстетик эътироз” сифатида баҳолаш мумкин.

Замонавий хорижий давлатларнинг жиноят сиёсати маҳкумларнинг ижтимоий тағаланишини юмшатиш ёки либераллаштириш ёки уларга бир қатор қўшимча ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши тенденциясини акс эттирмайди. Аксинча, халқаро хусусиятга эга жиноятлар, хусусан коррупциявий, экстремистик ва террористик жиноятлар ҳақида сўз борганда, жиноят қонунчилигини модернизация қилиш маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш йўналишида эмас, балки “ўта криминаллаштириш” тенденцияси доирасида амалга оширилмоқда. Бу эса мазкур қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормаларни, шунингдек уларни содир этишнинг умумий ҳуқуқий оқибатларини янада кучайтиришда намоён бўлади.

Шу билан бирга, судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамон маҳкумнинг ижтимоий ҳавфлилиги презумпцияси, жиноят-ҳуқуқий оқибатларнинг преюдициал аҳамияти ҳамда судланганлик тугалланган ёки олиб ташланганидан кейин ҳам шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан “тағаланиши”, инсонларнинг элементар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни таъқиқлаш билан боғлиқ ҳолда талқин этилмоқда.

Замонавий қонунчилик инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ муносабатларнинг кенг доирасини қамраб олганлиги сабабли, судланганлик оқибатларини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида қонунчиликни тизимлаштириш, унификация қилиш ҳамда турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзаро мувофиқлаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

REFERENCES:

1. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / Г.Н. Борзенков, А.В. Бриллиантов, А.В. Галахова и др.; отв. ред. В.М. Лебедев. – 13-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2013.
2. Советское уголовное право. Общая часть / Под ред. В.Д. Меньшагина, Н.Д. Дурманова, Г.А. Кригера, В.Н. Кудрявцева. – М.: Изд-во Московского ун-та, 1974. – С. 383.
3. Советское уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. Г.А. Кригера, Н.Ф. Кузнецовой, Ю.М. Ткачевского. – 2-е изд., доп. и перераб. – М.: Изд-во МГУ, 1988. – С. 301.
4. Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Д.И. Аминов, Л.И. Беляева, В.Б. Боровиков и др.; под ред. В.П. Ревина. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Юстицинформ, 2009.
5. Гришко А.Я., Потапов А.М. Амнистия. Помилование. Судимость. – М.: Университетская книга, 2010. – С. 203, 212.
6. Советское уголовное право. Общая часть / Под ред. Н.А. Беляева, М.И. Ковалева. – М.: Юрид. лит., 1977. – С. 457.
7. Энциклопедия уголовного права. – Т. 10. Освобождение от уголовной ответственности и наказания. – СПб., 2008. – С. 791, 797.
8. Шаутаева, Г.Х. Судимость в уголовном праве России и ее правовое значение [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/> –Дата доступа: 09.02.2020.
9. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А. С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқ.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 374 б.-265 б.
10. Семина, Л.В. Современное понятие судимости в уголовном праве России [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/> – Дата доступа: 09.02.2020.
11. Марчук, В.В. Понятие и правовые последствия судимости в действующем законодательстве Республики Беларусь // ЭТАЛОН. Законодательство Республики Беларусь [Электронный ресурс] / Нац. Центр правовой информ. Респ. Беларусь. — Минск, 2020.
12. Henley A. A bolishing t he s tigma o f p unishments served. URL: <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/09627251.2014.950521?src=recsys>; Henley A. Civil a nd s ocial death: criminal background and the loss of the self. 2018. URL: <https://nottingham-repository.worktribe.com/output/959380/civiland-social-death-criminal-background-and-the-loss-of-the-self>.
13. Transforming Rehabilitation: A Revolution in the WayWe Manage Offenders. URL: <https://www.gov.uk/government/publications/transforming-rehabilitation-a-revolution-in-the-waywemanage-offenders>; Transforming Rehabilitation: A Strategy for Reform. URL: <https://www.gov.uk/government/publications/transforming-rehabilitation-a-strategy-for-reform>.
14. Jacob Wetterling Crimes Against Children and Sexually Violent Offender Registration Act 1994; Federal version of

“Megan’s Law” 1996, Pam Lychner Sexual Offender Tracking and Identification Act 1996, Adam Walsh Child Protection and Safety Act 2006.

<https://www.cityofventura.ca.gov/1188/Megans-Law-Sex-Offender-Information>

«ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИНСТИТУТА СУДИМОСТИ В ЗАЩИТЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА»

Якубжонов Омонжон Бурхонжон угли

Ответственный сотрудник Министерства юстиции Республики Узбекистан, слушатель Высшей школы стратегического анализа и прогнозирования

АННОТАЦИЯ.

В статье осуществлен сравнительно-правовой анализ последствий судимости; их уголовно-правовые и общеправовые последствия рассмотрены с точки зрения прав и свобод человека. Предложено включить в структуру уголовно-правовых последствий непосредственно уголовно-правовые, уголовно-процессуальные и уголовно-исполнительные аспекты. В качестве общеправовых признаны последствия, связанные с ограничением прав и свобод личности в конституционной, гражданской, трудовой, семейной и иных отраслях права. Обосновано, что общеправовые последствия отличаются от уголовно-правовых тем, что они закреплены не в уголовном, уголовно-процессуальном или уголовно-исполнительном законодательстве, а в нормативных правовых актах иных отраслей. Установлено, что последствия судимости могут сохраняться даже после ее погашения или снятия, а также оказывать правовое воздействие не только на самого осужденного, но и в ряде случаев на его близких родственников либо третьих лиц.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

судимость, последствия судимости, уголовно-правовые последствия, общеправовые последствия, правовые ограничения, права и свободы.

"THE LEGAL SIGNIFICANCE OF THE INSTITUTE OF CRIMINAL RECORD IN THE PROTECTION OF HUMAN RIGHTS"

Yakubjonov Omonjon Burkhonjon ugli

Senior official at the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, attendee of the Higher School of Strategic Analysis and Forecasting

ABSTRACT.

This article provides a comparative legal analysis of the consequences of having a criminal record, examining both its

criminal-law and general-legal implications from the perspective of human rights and freedoms. It is proposed to classify directly substantive criminal-law, criminal-procedural, and penal (penitentiary) consequences under the scope of criminal-law implications. General-legal consequences are identified as restrictions on individual rights and freedoms across constitutional, civil, labor, family, and other branches of law. The study substantiates that general-legal consequences differ from criminal-law ones because they are codified within sectoral legislation rather than criminal, criminal-procedural, or penal codes. Furthermore, it highlights that such consequences may persist even after the conviction is expunged or spent, extending their legal impact beyond the convicted individual to occasionally affect close relatives or other third parties.

KEYWORDS:

criminal record, conviction, consequences of a criminal record, criminal-law consequences, general-legal consequences, legal restrictions, rights and freedoms.